

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**80 «Дийдор» режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студияси» давлат муассасасини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистонда театр санъатини янада ривожлантириш, театрлаштирилган оммавий тадбирлар ўтказишнинг гоёвий-бадий савияси, таъсирчанлигини кучайтириш, ижодий фаолиятда иштиёқ ва истеъдодга эга бўлган ёшларни рўёбга чиқариш, уларнинг ижодий салоҳиятини ошириш, юқори истеъдодли театр режиссёрлари ва актёрларини амалий тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимидаги «Дийдор» театр-студияси давлат корхонаси негизида «Дийдор» режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студияси» давлат муассасасини (кейинги ўринларда «театр-студия» деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар театр-студиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий, бадий-эстетик руҳиятини юксалтириш, тафаккурини бойитиш, мустаҳкамлаш, уларнинг санъатга бўлган муҳаббатини кучайтириш, ўзбек миллий театр санъати тарихи асослари ва ютуқларини ёшлар қалбига чуқур сингдириш, жаҳон андозалари асосида замонавий, малакали таълим-тарбия бериш, республикамизда маданий-маърифий, ижодий-бадий соҳаларда эришилаётган ютуқларни театр санъати орқали тарғиб этиш;

театр, театрлаштирилган оммавий тадбир режиссёрлари ва актёрларининг янги авлодини вояга етказиш, уларни кашф этиш ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш;

ёшларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, соҳадаги илғор услубларни миллий руҳ билан уйғунлаштирилган ҳолда театр санъатига татбиқ этиш;

турли маданий-маърифий тадбирлар, гастроллар, кўрик-танловлар, таниқли санъаткорлар билан учрашув ва анжуманлар, режиссёр ва актёрлар учун маҳорат дарслари ва театр санъатидан сабоқ берувчи ўқув машгулотлар ўтказиш, жаҳон маданияти ва санъатининг ёрқин намуналари билан таништириш орқали уларни баркамол инсонлар бўлиб камол топишларига қўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда театр-студиясининг штатлар жадвалини «Дийдор» театр-студиясига ажратилган штат бирликлари ва маблағлари доирасида қайта ишлаб чиқишни ва ўрнатилган тартибда тасдиқлашни;

театр-студиянинг уставини ишлаб чиқишни ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлашни;

театр-студияни давлат рўйхатидан ўтказишни ва малакали мутахассислар билан таъминланишини;

Ўзбекистон давлат санъат институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабаларининг тажриба-амалиёт дарсларини театр-студияда ташкил этишни;

театр-студияда таҳсил олаётган иқтидорли ёш режиссёр ва актёрларнинг Тошкент шаҳрида яшашлари учун вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар ётоқхоналарида зарур шарт-шароитлар яратишни таъминласин.

4. Театр-студияси «Дийдор» театр-студияси» давлат корхонасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси эканлиги белгилаб кўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги театр-студияни Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ҳамда хўжалик ҳисобидаги фаолият тушумларидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 20 февраль,  
43-сон